



Научно-практический электронный журнал


МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

Выпуск №76 (том 1)
(сентябрь, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №76 (том 1) (сентябрь, 2025).

Дата выхода в свет: 30.09.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	87
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	102
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	118
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ Олтаев Ш.С.	132
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ УНУМЛИ БАНДЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ Олтаев Ш.С.	146
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ: ЕЕ ВИДЫ И ТИПЫ Курдов О.Б., Борджакова А.Х.	164
СВОЙСТВА ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ПОЛИМЕРОВ Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё., Ягмурова С.А.	172
FRACTURES OF THE HAND AND FINGERS AND THEIR TREATMENT Odilov I.A.	176
РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ	
РОЛЬ ДИСЦИПЛИНЫ «ФИЗИКА» В XXI ВЕКЕ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОЕННОМ ВУЗЕ Жидкова Е.Ю.	180
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И НАУКЕ	
БИБЛИО-ПЛОЩАДКИ КАК СПОСОБ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ БУККРОССИНГА: МЕДИЙНАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ Артюховская Е.А.	184
АКТУАЛЬНОСТЬ SMM-ТЕХНОЛОГИЙ В СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВАХ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ ОБ ИСКУССТВЕ Корень Е.Ю.	189
ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА В ФОРМАТАХ БУКТЬЮБА И БУКТОКА Русак У.И.	194
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПСИХОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКИ	
ЦИФРОВАЯ ПАМЯТЬ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ ОБ ОБЩЕМ ПРОШЛОМ И ПОНИМАНИЯ НАСТОЯЩЕГО Филоненко Л.В., Сухоручко Д.В.	202
ЗНАЧИМОСТЬ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ И ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Жданов В.А., Коршунов И.Ф.	211
ВОЗМОЖНОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСПЕШНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Осипов Н.В., Белошицкий И.А.	218



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада озиқ-овқат корхоналарида инновацион салоҳиятни ошириш механизмини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек озиқ-овқат корхоналарини бошқариш механизмини яхшиламасдан, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштирамай, тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташқи манбалардан инвестициялар киритишни кўпайтириш масалалари тадқиқ қилинган. Бундан ташқари қайта ишлаш саноати маҳсулотлари сифатини ошириш нафақат хорижий инвестицияларнинг киришини рағбатлантириш, балки бутун корхона фаолиятини замон талабларига мос ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, озиқ-овқат бозори, озиқ-овқат турлари, инновацион салоҳият, бозор элементлари, бошқарув стратегияси, рақабат устунлиги, бозор имканиятлари, иқтисодий механизм, ташкилий механизм, тадбиркарлик объекти, тадбиркарлик субъекти, тадбиркарлик қобилияти, тадбиркарлик инфратузилмасини ривожлантириш.

Кириш. Ҳаммамизга маълумки Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада барқарор ривожлантиришга асос бўлувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш, бундан ташқари халқаро интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Озиқ-овқат саноат маҳсулотларига бўлган талабни максимал даражада қондириш, озиқ-овқат саноатининг унумдорлигини орттириш, соҳада



ахборот технологияларини ва сунъий интеллект каби замонавий технологияларни татбиқ этиш муҳим омил саналмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти тамойиллари, иқтисодий ислохотларни жадаллаштирадиган хусусиятлар, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни самарали бошқаришнинг инновацион йўналишларига талаб тобора ортиб бормоқда. Озиқ-овқат саноати фойдаланилаётган эскича тизимдаги бошқарув усулларининг мавжудлиги долзарб муаммо саналади. Бошқарув тизими - ички тузилиши билан тавсифланадиган бошқарувнинг ташкилий тузилиши нафақат ўзига хос бошқарув тизими, балки унинг ичида ўзгаришлар юз берадиган шакл, тизимнинг янги сифатга ўтиш шартлари пайдо бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодиётни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши шароитида ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида техника ва технологияларни кенг жорий этиш ҳамда инвестициялар жалб қилиш доирасини кенгайтириш керак. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида турли мулчиликка асосланган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, асосан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, яъни иқтисодиётда саноат корхоналари кўринишидаги бирлашмаларнинг ривожланиши, уларда хўжалик юритувчи субъектлар, ҳиссадорлик жамиятлари, унитар (шубба) корхоналар, масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлари вужудга келди. Шунингдек, ташкил этилган корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви орқали инновация ва инвестиция маблағларини кўпайтириш ҳисобига ўзларига иқтисодий шарт-шароитлар яратади.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда сифат ўзгаришларидан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд техника ва технологияларга суянган ҳолда, инновацион фаолиятдан самарали фойдаланиш ва уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам аҳамият қаратиш даркор. Бу ривожланган мамлакатлар даражасига тенглашиш имконини берса, фақат фаол инновацион фаолиятгина ушбу муваффақиятнинг узок муддатини таъминлайди.



Республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди. Шунингдек, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги 289,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайдди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди; кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш, бозорда рақобатбардош маҳсулотлар турини янада кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга ва экспорт кўрсаткичларини 2 бараварга ошириш мўлжалланмоқда[1].

Ўзбекистон иқтисодиётида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга оид ислохотларнинг чуқурлашуви юз бермоқда. Жумладан, озиқ-овқат корхоналарини бошқариш механизмини яхшиламасдан, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштирмай тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташқи манбалардан инвестициялар киритишни қўпайтириш муаммо бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари қайта ишлаш саноати маҳсулотлари сифатини ошириш нафақат хорижий инвестицияларнинг киришини рағбатлантириш, балки бутун корхона фаолиятини замон талабларига мос ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни ҳам қамраб олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 18-февралда ПҚ-2492-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган [2]. Бу қарорга кўра «Республика озиқ-овқат саноатини тизимини тубдан



такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш юзасидан корхоналарга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, корхоналарни стратегик бошқаришда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш масалаларини ўрганиш ва уларга ечим топиш лозим.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда аҳолининг яшаш фаровонлиги ҳал қилувчи мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича тўпланган илмий-амалий технологик салоҳиятни даврий равишда амалга оширишга боғлиқ. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантираётган асосий элементи ҳисобланиб, мавжуд лойиҳаларни татбиқ этиш ҳамда янги ғояларни амалга оширишда етакчилик инновацион тадбиркорлик, инноватор-субъектларга кўп даражада дахлдордир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарининг бошқариш тизимида инновацион фаолиятнинг стратегик ва тизимли ёндашувига алоҳида эътибор берилган. Натижада аниқ бир тармоқда ишлаб чиқаришни самарали амалга ошириш, бошқарувни марказлаштириш ва инновацион фаолиятнинг янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки хусусий мулкчиликнинг ривожланиши озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишни талаб этади. Давлат томонидан хусусий мулк ва мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳимоя этилиши инвесторлар томонидан озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион муҳитни яхшилашга имконият беради.

Озиқ-овқат саноати озиқ-овқат маҳсулотларини тайёр шаклда ёки яримтайёр маҳсулотлар шаклида, шунингдек, ичимликлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари гуруҳидир. Озиқ-овқат саноати корхоналари хомашёни



йиғиш, уларни қайта ишлаш ва якуний истеъмолчига етказиб беришни ташкил этишни энг яхши шаклга келтириш билан шуғулланади. Асосий мақсад аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган [3].

Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг мазмун-моҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унга таъсир этувчи омилларни баҳолашдаги услубий ёндашувларда алоҳида ягона бир фикрга эришилмаган. Озиқ-овқат товарлари бозори тушунчасига олимлар турли хил ёндашувлар асосида таъриф беришган. Биз ўз тадқиқотимизда уларнинг айримларини қиёсий таҳлил этишни жоиз деб билдик.

Озиқ-овқат саноати аҳоли яшаш пунктларида ривожланган. Бу хомашёдан кенг фойдаланишга ва озиқ-овқат маҳсулотларини доимий истеъмол қилишга ёрдам беради. Лекин бу турдаги саноатнинг ҳам ўзига хос қонуниятлари мавжуд бўлиб, бу тармоқдаги корхоналарни жойлаштириш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга асосланади. Мамлакатимизнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари олимларининг тавсиялари асосида, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг ушбу соҳасига сезиларли даражада ижобий натижасини беради: у ҳудудлардаги ушбу тармоқ корхоналарига ҳамда ҳайвонлар учун ҳам озуқа етказиб беришни ўз ичига олган тармоқдир [4].

В.Д.Гончаров бозор элементларини тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилиб, озиқ-овқат товарлари бозорини «озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида вужудга келадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг харидор ва сотувчи танлашдаги, нарх белгилашдаги ва маблағ шакллантиришдаги эркинлик билан тавсифланадиган иқтисодий муносабатлар тизими»[5] деб атайди. Н.П.Кетова эса шу таърифни тўлдириб, «ахборотдан фойдаланиш»ни [6] ҳам қўшади.

Л.А.Алиева ва Т.Светлорусова озиқ-овқат товарлари бозорини «қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ва озиқ-овқат истеъмолчилари ўртасидаги воситачи» [7] сифатида таърифлайди.



Й.Б.Кострова озиқ-овқат товарлари бозорига динамик тизим деб қарайди: «Маҳсулот сифати ва нархи назорат қилиниб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги мустаҳкам алоқа, мутаносиб равишдаги ишлаб чиқариш ва етказишдаги динамик тезкор тизимдир» [8].

Озиқ-овқат саноатининг мураккаб тармоқ деб эътироф этилишига унинг бирламчи эҳтиёжни қондириши учун мамлакат аҳолисига озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришидир. Бугунги ривожланиш босқичида озиқ-овқат саноати корхоналарининг фаолият тури ва тармоғи кўпайиб бормоқда. Озиқ-овқат саноат тармоғи маҳаллий қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик, паррандачилик ва маҳсулотлар етказиб бериш билан бошқа тармоқларга бевосита боғланган саноат ҳисобланади. Жамиятдаги ўртача битта одам истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг 83 % қисми қишлоқ хўжалиги тақмоғи орқали ишлаб чиқарилади [9].

Умумий мазмунда, озиқ-овқат саноатида тадбиркор ўз фаолияти жараёнида нафақат ўз манфаатини, балки жамоа, жамият манфаатларини ва истеъмол танловини ҳам қондиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу фаолият туфайли аҳоли фаровонлигини таъминлаш, унинг кундалик истеъмол маҳсулотлари учун зарур бўлган талабини узлуксиз ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтиради, деб ҳисобланади [10].

С.У.Нуралиев ва Д.С.Нуралиева ҳам озиқ-овқат ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими» [11] деб таърифлайди.

Истеъмолчиларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши озиқ-овқат саноати маҳсулотлари орқали амалга ошади. Натижа сифатида инсониятнинг ҳаёт тарзи яхшиланади. Жаҳон мамлакатларидаги ҳозирги вазият, бир томондан, учинчи дунё мамлакатларида жуда кўп оч одамларнинг мавжудлиги билан, бошқа томондан, ривожланган мамлакатларда ортиқча озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли билан тавсифланади [12].

О.Н.Фетюхина эса озиқ-овқат товарлари бозори тушунчасини ёритишда «социум» (табақаланиш) ва «рақобатда устунлик» каби категорияларни қўллаб,



қуйидагича таъриф беради: «Рақобат устунликлари кўринишидаги кескин таъсир кўрсатадиган жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий таъминлаш тизими, унинг асосий таркибий қисмлари озиқ-овқатга бўлган биологик эҳтиёжлар, шунингдек, аҳолининг тўлов қобилияти ва миллий ишлаб чиқариш ва импорт орқали шаклланадиган таклиф туфайли ноэластик талабдан иборат» [13].

И.Г.Иволга фикрича, «Озиқ-овқат товарлари бозори давлат аграр сиёсати ва халқаро интеграция жараёнлари таъсири билан шаклланадиган, ички ишлаб чиқариш ва импорт ҳисобига аҳолини етарли ҳажмдаги истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва силжитиш бўйича бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир» [14].

Г.М.Зинчук эса «озиқ-овқат бозорини озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилишни қамраб олувчи иқтисодиётнинг таркибий қисми, сифатида белгилайди» [15].

Озиқ-овқат саноати фаолияти жараёнини бошқаришда назарий жиҳатдан бир нечта босқичлар мавжуд бўлиб, у бошқарув тизими юзасидан маълумот тўплаш, объекти ва субъектини ажратиш олиш, унинг субъекти хусусиятларини ажратиш, стратегик бошқарув йўналишларини танлаш, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятидаги жараённи бошқариш, бошқарув механизмининг муайян шаклга келтириш ва расмийлаштириш, бошқарув механизмининг элементларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини асослаш, бошқарувнинг мақсад ва вазифаларга мувофиқ турли воситаларини белгилашдан иборат [16].

Республика озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга қаратилган муаммоларни ўрганиш, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, авваламбор, мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий меъёрлар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлишида асосий вазифалардан бири миллий иқтисодиётда инновацион фаолият



масаласи ҳисобланиб, биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимининг ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Демак, озиқ-овқат саноати корхоналарида рақобатни кучайтиришда, инновацион фаолиятни янада ривожлантиришда, энг аввало, инновация ва инновацион фаолият ҳамда инновацион лойиҳалар тушунчаларини ўрганиш керак.

Тадқиқот методологияси. Мақолада озиқ-овқат саноати корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш механизмининг аҳамиятини ва соҳадаги мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчиликка асосланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларнинг инновацион фаолияти бир қатор ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Жумладан:

биринчидан, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш;

иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларидан унумли фойдаланиш ва харажатлар рентабеллигини ошириш;

учинчидан, барча меъёрларга экологик жиҳатдан тўлиқ жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳамда ушбу маҳсулотлар таннархини пасайтириш;

тўртинчидан, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб бориш;

бешинчидан, мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларига турдош янги тур озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишни кенгайтиришни талаб этади.

Озиқ-овқат тадбиркорлиги хўжалик юриштининг хусусий шакли бўлиб, ривожланган давлатлар иқтисодиётида кўп асрлик ривожланиш эвазига устувор



мавқега эга бўлди. Тадбиркор ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланувчи ҳамда ўзининг ички имкониятларидан фойдаланади ва мақсадга эришиш учун ўзининг билим ва кўникмалари асосида юқори фойда олишга интилувчи шахс ҳисобланади. Шунингдек, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

биринчидан, озиқ-овқат саноатида инновацион салоҳиятни оширишнинг устувор вазифаларини белгилаш ва татбиқ этиш, илғор тузилмавий ўзгаришларни озиқ-овқат саноатида таъминлаш; иккинчидан, инновация фаолияти инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

учинчидан, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотини халқаро бозорларга чиқариш ва ташқи иқтисодий инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчидан, инновация фаолиятини ривожлантиришда илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ва

молия-кредит соҳаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

бешинчидан, халқ хўжалиги иқтисодиётини ва унинг тузилмавий баланс стратегиясини белгиловчи асосий йўналишларини ривожлантириш ҳамда барқарорлаштириш учун фан-техника салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш [17].

Озиқ-овқат корхоналарида бирламчи тусдаги маҳсулотлар узлуксизлигини таъминлашда ресурс базасининг хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда малакали ходимлар, бошқарув ҳамда маъмурий, инновацион, асосий ишлаб чиқариш ҳамда моддий тусдаги ресурсларга юқори даражадаги стратегик аҳамиятга таянган ҳолда ёндошиш зарур. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг пировард маҳсулоти аграр тармоқ ва қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқдир. Улар орқали маҳсулотнинг сифат даражаси ва таннархини назорат қилиш имкони мавжуд. Рақобатга киришишда устунликни сақлаб қолишда озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд ресурс ҳамда уларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятларини таҳлил қилиши зарур.



Озиқ-овқат саноати корхоналари асосий ишлаб чиқариш фаолиятини олиб боришда ишлаб чиқилган режага ва қабул қилинган қонун нормаларига таяниб ишлаб чиқилган махсус стандартлар ва маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқаришни олиб боришни талаб этади, бундай ҳолатда илмий асосланган ва натижаси ижобийлиги кутиладиган операцион бошқариш дастурини озиқ-овқат корхоналари фаолиятида амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Озиқ-овқат саноатининг янада такомиллашувига экзоген ва эндоген омилларини аниқлаш, ушбу омилларнинг вужудга келиш йўналиши ва корхона томонидан назорат қилиш имконияти билан ажралиб туради. Ички омиллар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва унинг потенциал имкониятларини аниқлайдиган ва ишлаб чиқарувчи томонидан назорат қилинадиган ҳам моддий, ҳам номоддий кўринишдаги белгилардир. Ташқи тарзда таъсирга эга ҳисобланган омил белгиларига ижтимоий-иқтисодий тусдаги озиқ-овқат саноатининг ривож топишига хизмат қиладиган таъсири инобатга олинади. Озиқ-овқат саноатининг инновация соҳасидаги асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: биринчидан, озиқ-овқат саноатида инновация сиёсатини шакллантириш ва рақобатни рағбатлантириш;

иккинчидан, инновацион фаолиятнинг хавф-хатарлиги олдини олиш мақсадида уни суғурталаш;

учинчидан, яроқсиз бўлиб қолган маҳсулотни истеъмолга чиқарганлиги учун давлат санкцияларини киритиш;

тўртинчидан, инновацияларнинг ижтимоий-экологик йўналишларини такомиллаштириш орқали илм-фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида озиқ-овқат саноати корхоналарининг ўрни муҳимдир. Шу сабабли асосий вазифа - иқтисодиётни инновация ва инвестициялар орқали ривожлантиришда, биринчидан, миллий даромад ҳажмини кўпайтириш бўлса, иккинчидан, озиқ-овқат саноатини ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлаш, ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжини зарур озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаб бориш. Шу сабабдан,



аввало, талабни, яъни эҳтиёжни қондириш учун хомашёлардан унумли фойдаланиш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, юклаш хизматларига эътиборни кучайтириш талаб этилади. Саноат ишлаб чиқариш фондлари самарасини ошириш билан биргаликда корхона самарадорлигини, яъни янги инновация ва инвестициялар даражасини ошириш ҳамда республикада озиқ-овқат тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. далолатномаси асосида инновацион сиёсатнинг асосларини қабул қилишдан бошланади, унда бошқарув субъектлари ва объектлари, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъуллиги белгилаб қўйилади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини оширишда такомиллашган иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан бошқарилишида ташкилий механизми орқали бевосита ва билвосита манфаатдор томонлар фикрларининг ҳисобга олиниши ҳамда бир вақтнинг ўзида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича келишилган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Хулоса ва таклифлар. Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш механизмини илмий-назарий таҳлил қилиш натижасида ташкилий-иқтисодий механизмнинг шакллари куйидагича тавсифлаш мумкин:

биринчидан, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий механизми. Ушбу механизм, асосан, ўз ичига мамлакатимиз истиқлолга эришгандан то шу кунгача қабул қилинган озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бевосита ҳамда билвосита тартибга солувчи турли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва қўмиталар, агентликлар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларини олади;

иккинчидан, озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми. Мазкур механизм бевосита озиқ-овқат саноати



корхоналари фаолиятини имтиёзли кредитлар орқали молиялаштириш, уларга микролизинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча дастакларни, ҳужжатларни ўз ичига олади. Сўнгги йиллар мобайнида республика озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмини йилдан йилга ошириб бориш;

учинчидан, озиқ-овқат саноати корхоналарини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш механизми, асосан, соҳа фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишга қаратилган барча инфратузилмавий ёрдам турларини, хусусан, тармоқ вазирликлари, рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, баҳолаш ташкилотлари, инвестиция фондлари ва биржалар, аудиторлик, депозитарийлар, суғурта компаниялари, экспорт-импорт компаниялари, ахборот-консалтинг фирмалари ҳамда «ягона дарча» ташкилотлари томонидан бериладиган ёрдамларни доимий ошириб бориш;

тўртинчидан, озиқ-овқат саноати корхоналарини мулкий қўллаб-қувватлаш механизми. Ушбу механизмга кўра, озиқ-овқат саноати корхоналарини давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мулкни қўллаб-қувватлаш, давлат ёки хусусий мулк кўринишида етказиш ёки фойдаланиш имкониятларини ошириш. Озиқ-овқат саноати корхоналарида инфратузилмавий шарт-шароитлар яратиш, жумладан: кредит шартномасига кўра мажбуриятларни амалга оширишдаги камчиликлар, бизнеснинг даромадлилик даражаси ва кредит ресурси тўлов ставкаси орасидаги юқори фарқ туфайли юзага келадиган кредит олиш билан боғлиқ муаммоларни давлат томонидан бартараф этиш; гаров таъминоти учун банкларнинг талабларини камайтириш; соҳада малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; минтақавий, халқаро бозорларда товар ва хизматларнинг нархлари ўзгариши ва олиб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш; озиқ-овқат саноати корхоналарининг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари



томонидан етарлича жавоб олинмаслиги каби айрим институционал тўсик чегараларини бартараф этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shavkat Oltaev. Herausforderungen und Lösungen beim Bau einer Gemeindeabteilung und Investitionen in Familienunternehmer (Am Beispiel von Navobod NCM des Bezirks Samarkand). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 93-97 pp. <http://doi.org/10.5281/zenodo.5513703>
2. Shavkat Oltaev. Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021. Online: <https://academicjournal.io> 7-13 pp. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
3. Shavkat Oltaev. Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district). American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 34. 34-37 pp. <https://zenodo.org/record/5514016>
4. Shavkat Oltaev. A strong family is as basic of the prosperity of the neighborhood. American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 30. 30-33 pp. <https://zenodo.org/record/5513761>
5. Shavkat Oltaev. The role of the state in the innovative development of Tourism. The American journal of management and economics innovations. (TAJMEI). 2021. USA. <https://doi.org/10.37547/tajmei/Volume03Issue10-05> 17-20 pp.
6. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. <https://doi.org/10.37547/tajiir/Volume03Issue11-02> 2021. 9-13 pp.



7. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. <https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940>
8. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503> 2021. P: 41-43
9. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503>
10. Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923>
11. Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 49. <https://johuns.net/index.php/abstract/445.html> №10. 2022.
12. Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41>
13. Shavkat Oltaev. (2024). Financial sources and organizational and legal basis of social protection of the country's population. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 244–250. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-43>
14. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways of raising our country's development to a new level by improving the quality of higher education. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 3(1), 258–263. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1414>
15. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 44,



38-43.

Retrieved

from

<https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/2048>

16. Shavkat Oltaev. (2023). Ways of Implementing and Developing the Corporate Management System In Our Country. Procedia on Economic Scientific Research, 6, 23–31. Retrieved from

<https://procedia.online/index.php/economic/article/view/1031>

17. Shavkat Oltaev. (2023). Analysis of Investment Activity in Foreign Countries. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 34, 82–86. Retrieved from <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/808>

18. Shavkat Oltaev. (2023). Employer in the private sector of the country status of the current demand and its employment role in supply. Results of National Scientific Research, 2(8), 92–101. <https://zenodo.org/record/8330456>

19. Shavkat Oltaev. (2023). In investment authority and economy innovative ways to use it efficiently. Results of National Scientific Research, 2(8), 83–91. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8330300>

20. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

21. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

22. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>

23. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>

24. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy.



Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

25. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

© Олтаев Ш.С., 2025